

Ўзбекистон Республикаси
Курилиш вазирлигининг
2020 йил **25** сентябрдаги **258**-сонли буйруғига
З-илова

ШИҚ 2.08.01-19 “Туар-жой бинолари”га 1-сон ЎЗГАРТИРИШ

1. 2.3-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.3. Биноларнинг қаватлилиги, узунлиги ва композицион-тархий ечимлари, шахарсозлик лойиҳасига мувофиқ, ушбу нормалар талабларига, ёнғин ва зилзила хавфсизлиги (ШИҚ 2.01.02 ва КМҚ 2.01.03) талабларига биноан аниқланади.

Оқвалаштирилмаган (канализациялаштирилмаган) шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида уй-жой қурилиши учун 1-2 қаватдан баланд бўлмаган биноларнинг қўлланилиши тавсия этилади.

Қариялар ва ногиронларни жойлаштириш учун ихтисослаштирилган квартирали туар жой бинолар, ҳамда интернат-уйлар 3 қаватдан баланд бўлмаслиги керак”.

2. 3.8-бандининг отинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кичик ўлчамли квартираларда, шунингдек, қайта-тиклаш (реконструкция) шароитида 1 хонали квартиралар учун ошхоналар ва тахмонсимон ошхоналарни 5 м² қилиб лойиҳалаш мумкин”.

3. 3.9-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.9. Фуқаролар ёки ташкилотлар шахсий маблағлари ҳисобига қуриладиган, нодовлат туар жой фондининг туар жой уйлари кичик ўлчамли, оддий, яхшиланган ва юкори қулайликларга эга квартираларни ўз ичига олиши мумкин. Турли қулайликларга эга бўлган уй-жойларнинг тавсифлари ва параметрлари 3-иловада келтирилган. Яхшиланган қулайликларга эга квартиралар 1 яшовчига умумий майдон 23 м² дан кам бўлмаган, юкори қулайликларга эгалари эса 1 кишига 30 м² дан кам бўлмаган ҳолда ҳамда оиланинг ҳар бир аъзосини алоҳида хона билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Изоҳ: Кичик ўлчамли квартиралар хоналари таркиби ва майдонлари 7-иловада (1 жадв.), яхшиланган ва юкори қулайликларга эга квартиралар учун 7-иловада (3 жадв.) келтирилган кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, мухандислик асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши эса 14-илова бўйича қабул қилиниши тавсия қилинади”.

4. 3.10-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.10. Ошхонани эни, жиҳозлар бир томонда жойлашганда 1,7 м дан, икки томонида жойлашганда - 2,2 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Тахмонсимон ошхоналарда асбоб-ускуналар фронтал жойлаширилганда узунасига 3 м дан, энига 1,7 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Даҳлизни эни қоида тарзида 1,4 м дан, квартира ичи йўлаклари, яшаш хоналарига олиб борувчилари – 1,1 м дан, ёрдамчи хоналарга олиб борувчилари – 0,9 м дан кам бўлмаслиги керак”.

5. 3.12-бандига берилган изоҳнинг биринчи банди 3.9-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Бирлаширилган хожатхоналар кичик ўлчамли квартираларда, юз-кўлювгичли хожатхоналар кўзда тутилганда ёки ётоқхоналар қошида бирнечта хожатхоналар бирлаширилган квартираларда қўлланади”.

6. 5-қисм “Ёнгин хавфсизлиги, эвакуация йўллари” қуидаги таҳрирдаги 5.13*-банди билан тўлдирилсин:

“5.13*. Газлаширилган турар жой биноларида ошхоналар ва квартира ичи йўлаклари ёнгиндан манзилли хабардор қилиш ускунаси билан жиҳозланиши лозим”.

7. 5.15-банддаги 6-жадвал қуидаги таҳрирдаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“**Изоҳ:** 28 м ва ундан юқори бўлган газлаширилган биноларда энг олис квартиранинг эшигидан то энг яқин эвакуацион чиқиш жойигача бўлган масофа 12 м дан ошмаслиги керақ”.

8. 5.33-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.33. 28 м дан баланд бўлган биноларнинг юқори қаватидаги ойна тиркичининг пастига қадар (ШНК 2.01.02-04 нинг 5.13-бандига мувофиқ) қозонхоналарни туташтириб қуришга йўл қўйилмайди. Тегишли ёнгин хавфсизлиги чоралари таъминланганда том-қозонларнинг ўрнатилишига йўл қўйилади”.

9. 9.9-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.9. Қаттиқ ёнилғидаги плиталар 2 қаватгача (2-қават ҳам) турар жойларда, табиий газ (метан) ёнилғида – 16 қаватгача (16-қават ҳам), 50 м дан юқори бўлмаган турар жойларда қўлланишига йўл қўйилади.

5 қават ва ундан юқори бўлган турар жойларда газсимон ёнилғида ишлайдиган таом тайёрлаш плиталари алангани назорат қилиш автоматик ускуналари билан жиҳозланиши лозим.

Газсимон ёнилғида ишлайдиган ускуналар (таом тайёрлаш плиталари, сув иситгичлар ва б.) билан жиҳозланиши кўзда тутилган хоналарда газ билан таъминловчи қувурларда CO, CO₂ ва CH₄ концентрацияси газанализаторли газни ўчирувчи клапан ўрнатилиши назарда тутилиши лозим.

Ётоқхоналарда, қариялар ва ногирони бор оиласлар уйларида (қаватлигидан катъий назар) ошхоналар, шу жумладан тахмонсимон

ошхоналар таом тайёрлаш учун электр ускуналари (плита, пишириш панеллари, пишириш печлари ва ш.к.) билан жиҳозланниши лозим.

Хар бир ошхона идиш-товоқ ювгич билан жиҳозланниши керак”.

10. 9.12-банднинг учинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Баландлиги 28 м ва ундан юқори бўлган туар жойларда, шунингдек, қурилиш ҳажми 5000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ётоқхоналарда ёнғинга қарши сув таъминоти тизимини қуриш керак. Ёнғинга қарши сув таъминоти тизими бинонинг фасадига чиқарилган ўт ўчириш автонасосларни улаш учун диаметри 80 мм ли бирлаштирувчи головкали тирсаклар, ташқаридан бошқариладиган тескари клапанлар ва задвижкалар билан жиҳозланган бўлиши керак”.

11. 9.33-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.33. Хар бир хонадонда қаттиқ ёнилғида ишлайдиган иситиш қозонларни ўрнатиш икки қаватли (2-қават ҳам) туар-жой биналарда назарда тутилиши мумкин.

Табиий газ (метан)да ишлайдиган ёпиқ ёниш камерали қозонлар 16-қаватли (16-қават ҳам), баландлиги 50 м дан юқори бўлмаган туар-жой биноларда назарда тутилиши мумкин”.

12. 9.43-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.43. Юқориги икки қаватдаги, шунингдек, тахмонсимон ошхоналар ташкил этилганда ҳамда барча қаватдаги қулайлиги юқори даражали квартиralарда санузел ва ошхоналар алоҳида ажратилган тортув каналларга кириш қисмида (оғзида) майший тортувчи вентиляторлар ўрнатилиши кўзда тутилиши керак.

Ўтхона, газли сувиситгичли хоналарда, ҳамда йиғма каналга бирлашадиган тортув каналлари киришида вентилятор ўрнатишга йўл қўйилмайди”.

13. 9.62-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.62. Қулайлиги яхшиланган ва юқори даражали бўлган бинолар муҳофаза сигнализацияси тизими билан жиҳозланади.

Газлаштирилган туар жой биноларининг баландлиги 28 м бўлганда ошхоналар ва квартира ичи йўлаклари, баландлиги 28 м дан 50 м гача бўлганда эса барча хоналар манзилли ёнғиндан хабардор қилиш ускуналари билан жиҳозланниши лозим. Манзилли ёнғиндан хабардор қилиш ускуналаридан огоҳлантириш сигналлари ёнғин хавфсизлиги пости хонасига ёки ходимлари туну-кун навбатчилик киладиган бошқа хонага чиқарилиши керак. Баландлиги 50 м дан юқори бўлган туар жой биноларида барча хоналар ёнғинни автоматик ўчириш ускуналари билан жиҳозланниши лозим”.

14. 1-Илова “Атамалар ва таърифлар” алфавит тартибида қуидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тахмонсимон ошхона – квартиранинг яшаш ёки ёрдамчи хоналари билан туташ жойлашган, электр плита (электр пишириш панеллари ва пишириш печлари), идиш-товоқ ювгич ҳамда механик ёки табиий ҳаракатга келтирувчи кириш-чикиш вентиляцияси билан жиҳозланган, овқатланиш зонаси бўлмаган ошхона”.

15. 7-Илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«7-Илова
(тавсиявий)**

Кулайлиги жиҳатдан турли классдаги квартиралар ва уй-жойларнинг хоналари таркиби ва майдонлари

1-жадвал

Кичик ўлчамли квартираларнинг хоналари таркиби ва майдонлари

Хоналар таркиби	Квартиralар типи ва хоналар майдони, м ²			
	1 хона.	2 хона.	3 хона.	4 хона.
Яшаш:				
Умумий хона	12	12	12	14
Ота-она ётоқхонаси	-	10	10	10
1 кишилик ётоқхона	-	-	8	8
2 кишилик ётоқхона	-	-		10
Яшаш майдони	12	22	30	42
Ёрдамчи:				
Даҳлиз, ички йўлак	3	3	3	6
Ошхона	6	6	7	8
Санитар узеллари (ваннахона ва хожатхона)	2,5	2,5	3	6
Жами:	23,5	33,5	43	62
Изоҳ:				
1. Квартиralарнинг хоналари таркиби ва майдонлари лойиҳалаштириши топшириги билан, бироқ ушибу жадвалда белгиланган меъёрлардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.				
2. 1-хонали квартираларда даҳлизни умумий хона билан бирлаштиришга йўл қўйилади.				
3. Тахмонсимон ошхоналар ташкил этилганда хоналарнинг майдони тахмонсимон ошхона ва унга туташ хонанинг майдонлари йигиндисидан иборат бўлади.				

2-жадвал

Кулайлиги жиҳатдан оддий классдаги квартираларнинг хоналари таркиби ва майдонлари

Хоналар таркиби	Квартиralар типи ва хоналар майдони, м ²					
	1 хона. (1-2 к.)	2 хона. (3 к.)	3 хона. (4 к.)	4 хона. (5 к.)	5 хона. (6 к.)	6 хона. (7 к.)
Яшаш:						
Умумий хона	14-19	16-18	17-20	17-20	20-24	20-24
Ота-она ётоқхонаси	-	14	14	14	14	14
1 кишилик ётоқхона	-	-	10	10	10-12	10-12
2 кишилик ётоқхона	-	-	-	12-14	12-14	12-14

Яшаш майдони	14-19	30-32	40-44	53-58	66-72	76-82
Ёрдамчи:						
Даҳлиз, ички йўлак	4	4-6	7	8-10	9-11	10-12
Ошхона	6-8	8-9	9-10	9-10	10-12	12-13
Санитар узеллари (ваннахона ва хожатхона)	3,5-4	4-5	6	6-8	8-10	10-12
Омбор ва шкафлар	0,5-1	2-3	2-3	3-4	3-5	4-7
Жами:	28-36	48-55	64-73	80-90	96-110	114-126
1 одам бошига	28-18	16-18	16-18	16-18	16-18	16-18
<i>Изоҳ: Квартиralарнинг хоналари таркиби ва майдонлари лойиҳалаштириши топшириги билан белгиланади. Топшириқда хўжалик хоналари, шахсий автомобиль учун гараж-тураргоҳлар назада тутилиши мумкин.</i>						

3-Илова

Қулайлиги жиҳатдан юқори классдаги квартиralарнинг хоналари таркиби ва майдонлари

Хоналар таркиби	Хоналар майдони, м ²						
	Яхшиланган қулайликларга эга (бир оила учун уй-жой) квартиralар				Юқори классдаги қулайликларга эга (бир оила учун уй-жой) квартиralар		
	3 хона. (3 к.)	4 хона. (4 к.)	5 хона. (5 к.)	6 хона. (6 к.)	6 хона. (5 к.)	7 хона. (6 к.)	8 хона. (7 к.)
Яшаш:							
Умумий хона	20-24	24-26	24-26	30	30	30	32-36
Мехмонхона	-	-	-	-	-	-	28-30
Овқатланиш хонаси	-	-	-	-	18-20	18-22	20-22
Ота-она ётоқхонаси	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20
Болалар хонаси (ўйинхона, ётоқхона)	-	-	14	14-16	16-20	16-20	16-20
Кабинет (кутубхона)	-		-	-	16-20	16-20	16-20
1 кишилик ётоқхона	12-14	14x2	14	14x2	14	14-16	14-16
2-кишилик ётоқхона	-	-	16	16	-	16-20	16-20
Яшаш майдони	48-58	68-74	84-90	104-110	110-124	128-148	156-184
Ёрдамчи:							
Даҳлиз, ички йўлак, холл	6-8	6-9	10-12	12	12	14-16	14-18
Ошхона	10	10-12	12	12-14	12-14	12-14	12-14
Санитар узеллари	4-6	6-8	8-9	8-10	12	12-14	12-15
Омбор ва шкафлар	2-4	4-5	5-7	6-8	6-8	8-10	8-10
Сауна (ҳаммом)	-	-	-	-	6-8	6-10	8-10
Жами:	70-86	94-108	120-130	142-154	158-178	180-212	212-251
1 одам бошига	23-29	24-27	24-26	24-26	32-36	30-35	30-36
<i>Изоҳ: Квартиralарнинг хоналари, шу жумладан ёзги хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳалаштириши топшириги билан белгиланади. Топшириқда қўшимча хўжалик хоналари, якка тартибда меҳнат фаолияти учун устахона, гаражслар назада тутилиши мумкин.</i>							

».



BUYRUQ

№ 258

“25” 09 2020

Меъёрий хужжатларга қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишини такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 3, 17 ва 21-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Техник кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги 15-сонли йиғилиш баёни, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тавсия ва хулосаларига асосан

Б У Ю Р А М А Н :

1. Куйидагилар:

ҚМҚ 2.04.05-97* “Иситиш, вентиляция ва кондициялани” меъёрий хужжатига 3-сонли ўзгартириш 1-иловага мувофиқ;

ПИИҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойиха меъёрлари” меъёрий хужжатига 1-сонли ўзгартириш 2-иловага мувофиқ;

ПИИҚ 2.08.01-19 “Тураг-жой бинолари” меъёрий хужжатига 1-сонли ўзгартириш 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник меъёrlаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (Б.Содиков) Электрон хукумат тизимини жорий этиш бўлими (М.Загрутдинов) билан биргаликда ўн кун муддатда меъёрий хужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни Қурилиш вазирлигининг расмий сайтида жойлаштирсин.

3. Ушбу буйруқ расман эълон қилингандан кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур буйруқ ижроси назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари III.Хидоятов зиммасига юклансин.

Вазир

Абб.

Б.Закиров